* Тошкентда «Хотира майдони»
* Нурилло ўзбек автомобилини яратмоқчи
* Канцлернинг тушликка пули етмади
* Олотлик икки юракли қиз яшай оладими?

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 16 январь Шанба. № 4 (144195)

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ БЎЛСИН

1999 йилдан бошлаб мамлакатимизда 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонлашни таклиф этаман, деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 январь куни пойтахтнинг марказий қисмидаги бўлажак «Хотира майдони» қурилиши билан танишар экан.

Одатда, бу байрамда Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида қурбон бўлган аждодларимиз эсланади. Шаҳид кетганларнинг руҳи, поклари ёд этилар экан, айни чоғда тирикларнинг теварак-атрофимиздаги умрдош жигарларимизнинг қадрига етишимиз керак, деган ўринли фикр деярли барчанинг хаёлидан кечиши табиий. Ислом Каримовнинг айтишича, Хотира ва Қадрлаш куни шўролар замонида бўлгани сингари қуруқ расмиятчилик ва сохта сиёсатбозликка эмас, балки худди ана шундай соф инсоний туйғуларга асосланган бўлиши керак.

Юртбошимиз пойтахт марказидаги «Мангу олов» ёдгорлиги ўрнида миллий-шарқона услубда ва бутунлай янгича архитектуравий талабларга мос равишда барпо этилаётган «Хотира майдони» қурилиши билан яқиндан танишди. Ёдгорлик қурилиши бўйича мутасаддиларга керакли йўриқ ва тавсиялар берди. Жумладан, ёдгорлик марказида мотамсаро она ҳайкалини ўрнатиш юзасидан амалий тавсиялар берар экан, Ислом Каримов Она ҳайкали пойига «Сен доим қалбимдасан, жигарим» деган сўзларни битиш лозимлигини алоҳида уқдирди.

Президент, шунингдек, Академик Рус драма театрининг янги таъмирланаётган биноси билан ҳам танишди.

Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, мазкур театр зали 630 томошабинга мўлжалланган бўлиб, саҳнасининг катталиги бўйича мамлакатимиз пойтахтидаги «Халқлар дўстлиги» саройидан кейин иккинчи ўринда туради.

Рус драма театрининг жамиятимизда тутган ўрни ва аҳамияти муносиб баҳолашга лойиқ, деди Йўлбошчимиз театр жамоаси вакиллари билан суҳбатда.

Мамлакатимиз раҳбари бундан ташқари Тошкент шаҳрида қурилаётган ва қуриш режалаштирилаётган бошқа иншоотлар лойиҳалари билан танишиб, барпо этилажак ҳар қайси иморат нафақат шаҳарнинг умумий манзарасига мос тушиши, балки теварак-атрофидаги бошқа объектлар билан ҳам ўзаро уйғунлашиши кераклиги шаҳарсозликнинг энг муҳим шарти эканини алоҳида уқдирди.

«Туркистон-пресс»

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

* "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

*** Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра 1999 йил 1 февралдан бошлаб соғлиқни сақлаш даволаш муассасаларида ва чакана дорихона тармоғида дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилашнинг ягона тартиби жорий қилинади.**

* Шу кунларда муборак хаж сафарига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиш хаж сафарини ташкил этиш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланди. Йиғилишни Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов олиб борди.



Талабаликнинг ташвишли кунлари: қиш ғилласидан ҳам қаттиқ «совуқ» — қишки сессия бошланди

«Камолот» — ёшлар таянчи

МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИБ

«Камолот» жамғармасининг вилоятлардаги бўлинмалари фаолияти ҳақида газетамизнинг деярли ҳар сонида холисона фикр билдирилган материаллар бериб бораяпмиз. Иш бор жойда камчиликларнинг учраши ҳам табиий. Лекин биз айбдорлар билан эмас, балки муаммолар қай йўсинда бартараф этилиши билан қизиқамиз. «Камолот»нинг Самарқанд вилояти бўлими раиси Шоҳин НАСРИДДИНОВ билан уюштирган суҳбатимиз ҳам ана шу мавзуда бўлди.

— Президентимиз Ислом Каримов Самарқанд ва Навоий вилоятлари навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган маърузаларини ҳозирга қадар юртдошларимиз эътироф этишмоқда. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, Йўлбошчимиз ҳар иккала вилоятдаги адолатсизлик, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик каби иллатларни рўйи-рост очиб ташлади. Бошқача айтганда, ғалвир сувдан кўтарилиб, раҳбарларнинг йўл қўйган хатолари ошкор бўлиб қолди. Биз учун ачинарли жиҳати ғайриқонуний ишни кўра била туриб, жим юраверишган.

— Шу нуқтаи назардан олиб қараганда муаммоларни бартараф этиш борасида қандай юмушлар амалга оширилмоқда?

— Мен ана шу юмушларнинг фақат айримларинигина санаб ўтмоқчи эдим. Айтайлик «Туркистон» газетасининг аралашуви билан жамғарманинг Гўзалкент тумани бўлими фаолияти анча жонланиб қолди. Вилоятдаги «Меҳрибонлик», «Саховат» уйларида турли тадбирлар ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларини бепул сиҳатгоҳлар йўлланмаси билан таъминлаяпмиз. «Ёш ижодкорлар» клубини ташкил этдик. Вилоят аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси билан ҳамкорликда «Меҳнат ярмаркалари» уюштирдик. Шу орқали минг нафарга яқин йигит-қизларни иш билан банд қилдик.

— Бозор иқтисодиёти шароити ҳар бир муассаса, ташкилот, жамғарманинг фаолияти туридан қатъий назар тадбиркорликни ҳам талаб этади...

— Тўғри. Ҳозирда жамғарманинг вилоят бўлими тизимларида 16 та туман ва 2 та шаҳар бўлими мавжуд. Бугунги ислоҳотлар моҳиятини тўғри англаган ҳолда туманларнинг барчаси ўзларини ўзлари уддалаяптилар. Дейлик, Гўзалкент туманида 50 гектар ердан унумли фойдаланиляпти. Каттақўрғон шаҳри ва Пастдарғом туманида макарон ишлаб чиқариш цехлари ишга туширилган. Ургут ҳамда Жомбой туманида ҳам тадбиркорлик кенг қулоч ёймоқда.

— Янги йил режалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ёшларнинг маънавий жиҳатдан камол топиши, уларни ватанпарварлик, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Ёшлар ҳаётини кенг ёритиш мақсадида Самарқанд телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда махсус кўрсатув ташкил қилмоқчимиз. Қолаверса, «Она тилим — муқаддас мулким», «XXI аср ёшлари миллий ва маънавий одоб-ахлоқ муаммолари», «Алпомиш авлодлари» сингари мавзуларда давра суҳбатлари, мулоқотлар, кўрик-танловлар ташкил этиш ниятидамиз.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз кўрсатиб ўтган мавжуд камчилик, муаммоларни бартараф этиш, ёшларга билдирилган ишончни оқлашга қўлимиздан келганича ҳаракат қиламиз.

С. ДАВРОНОВ

Муаммо кўтаргандик

"БЕГОНА"

Газетанинг 1998 йил 23 декабрь сонида чоп этилган "БЕГОНА" "Навоий вилояти раҳбарлари "Камолот" жамғармасини тан оладими?" сарлавҳали танқидий мақола юзасидан Навоий вилояти ҳокимлиги қуйидагиларни маълум қилади:

Ушбу мақолада баён этилган камчилик ва муаммолар атрофлича ўрганиб чиқилиб, 1999 йил 4 январда вилоят ҳокими ҳузуридаги ҳокимлик соати йиғилишида туман, шаҳар ҳокимлари ва уларнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари иштирокида муҳокама қилинди. Ушбу муаммоларни бартараф қилиш мақсадида туман, шаҳар ҳокимлари зиммаларига "Камолот" жамғармалари фаолиятига жиддий эътибор бериш ва уларга амалий кўмак бериш чора-тадбирлари белгиланди.

Навоий вилояти ҳокими
Ғ.ДИЛОВ

ТАҲРИРИЯТДАН: Куни кеча Навоий вилояти ҳокими ўринбосари А.Ҳайдаров таҳририятимизда бўлиб, бизни хушхабардан огоҳ этди. Мақолада кўтарилган муаммоларга барҳам бериш мақсадида вилоят ҳокими махсус қарор қабул қилибди. Унда қуйидаги чора-тадбирлар кўрилгани баён этилган:

"1. **Навоий шаҳар ҳокими (Б.Ҳамдамов):**

-- Вилоят "Камолот" жамғармасини Навоий шаҳар ҳокимлиги биносидаги иш хоналари учун ижара тўловларидан озод қилсин;

-- вилоят "Камолот" жамғармаси ҳузурида "Ёшлар маркази"ни ташкил қилиш учун бир ой муддатда "Лутфулло" фирмаси (Л.Хўжаев)га қарашли "Турон" савдо марказидаги кинозал мажмуини келишилган ҳолда ижара ҳақидан озод қилиб, вилоят "Камолот" жамғармасига фойдаланиш учун беришни ташкил этсин.

2. **Туман, шаҳар ҳокимлари:**

-- "Камолот" жамғармасининг шаҳар ва туман бўлимларига ҳокимлик биноларидан хоналар ажратсин ва уларни ижара ҳақидан озод этсин;

-- "Камолот" жамғармаси муассислари 1999 йилнинг 1 ярим йиллигигача таъсис маблағларини тўлиқ ўтказилишини таъминласин;

-- ёшларга янги иш жойлари яратиш, иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларига кенгроқ имконият яратиш мақсадида жамғарманинг туман, шаҳар бўлимларига сувли, унумли ерлардан 100 гектардан ер ажратиб берсин.

-- бажарилган ишлар ҳақида 1999 йил март ойига қадар вилоят ҳокимлигига ёзма ахборот тақдим этсин."

Вилоят ҳокими томонидан ёшлар жамғармасига кўрсатилган бундай ғамхўрликдан бизни-да қувондик. Фақат ниятимиз — қарорлар энди ҳам қоғозда қолиб кетмасин.

ЁШЛИКДА ОЛГАН ҲУНАР...



Бугун қайси жабҳага қараманг, шижоат билан меҳнат қилаётган ёш йигит-қизларга кўзингиз тушади. Уларни замоннинг энг илғор технологиялари ёнида кўриб ўзингизда ғурур ҳиссини туясиз.

Ана шундайлардан бири пойтахтимиздаги "Юлдуз" ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган ёш йигит-қизлардир. Улар билан бўлган суҳбатимиз ёшлар ҳақида бўлди.

Равшан Курбонбоев, 4-цех механиги:

-- Барибир ёшлик даврининг ўзгача гашти бор-да. Дўстлар давраси, ўйин-кулги, хушчақчақлик. Лекин кузатишимча, ҳаёт фақат ўйин-кулгидангина иборат эмас экан. Унинг ўзига хос паст-баланд йўллари бўларкан. Демоқчиманки, биз ёшлар айнан шу даврдан бошлаб эртанги кунимиз учун замин ҳозирламоғимиз керак экан. Худога шукрки, бунинг учун юртимизда ҳамма шароитлар етарли. Шахсан Юртбошимизнинг ташаббуслари билан биз ёшларнинг келгуси ҳаётига катта эътибор берилаяпти.

Маъмура Исоқова, тикувчи:

-- Касбнинг катта-кичиги бўлмаганидек мен ҳам ўз иш жараёнида тикувчилик сир-синоатларини янада мукаммалроқ эгаллашга интилаяпман. Чунки ёшликда эгаллаган илм тошга йўнилган нақш каби қадрли ва эъзозли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам касбим юзасидан изланяпман-да. Бу балки келгусида бирор хусусий корхона очишимда асқотиб қолар. Ахир юртимизда ишбилармонларга муносабат тубдан ўзгаряпти-ку.

Гули Мавлиева, тикувчи:

-- Менга бугунги дугоналаримнинг бир фазилати жудаям ёқади. Уларнинг

барчаси ўз меҳнатлари орқали пул топиб, чиройли кийинишга, гўзалликка интилаяпти. Ҳар қайсиси ота-онасига боқиманда бўлишдан ор қилишаяпти. Ҳалол меҳнат орқали пул топиш учун курашаяпти. Бу эса ёшларнинг фикри уйғунлашаётганидан , теранлашаётганидан далолат беради.



Ҳа, бугун замон бу ёшлардан шуни талаб қилаяпти. Ишласанг, тишлайсан, орқада қолмайсан. Қолаверса, нафақат ўзингга, балки мамлакатингга ҳам қўлингдан келганча наф келтирасан.

Рўзибой АЗИМ
ёзиб олди

НУРИЛЛО АВТОМОБИЛЬ ЯРАТМОҚЧИ...



Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси синовларидан муваффақиятли ўтган ёш йигит-қизлар айни кунларда чет элларда таҳсил олмоқда. Улар орасида йигирма ёшли избосканлик Нурилло Пошшоев ҳам бор. Яқинда у билан суҳбатлашдим.

--Сизни аввало, АҚШдек улкан мамлакатда таҳсил олиш бахтига муяссар бўлганингиз билан табриклайман.

--Раҳмат. Одатда, кимки бирор тилни ўрганар экан, у ўша давлат ҳақида, миллати, урф-одатлари тўғрисида ҳам билимларга эга бўлиб боради. Мен ҳам инглиз тилини ўрганиш жараёнида маълум маълумотга эга эдим. Энди эса ўша юртда таҳсил олаяпман. Албатта, тили, дини, урф-одати-ю, яшаш тарзи бошқача бўлган халқ билан бирга бўлиш одамга кўп нарса беради. Шунингдек, елкамда катта масъулият турганини ҳам унутганим йўқ.

-- Оилавий шароитингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

-- Оиламиз оддий, дадам маҳалла қўмитасида котиб, онам боғчада тарбиячи бўлиб ишлайди. Битта укам, икки нафар синглим бор.

--Америкада қайси мутахассислик бўйича таълим олаяпсиз?

-- Ўзим Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтининг муҳандислик факультети II-курс талабасиман. Танловда мен билан бирга институтимиздан йигирма тўрт нафар йигит ва қизлар иштирок этди. Улардан тўққиз нафар талаба муваффақиятни қўлга киритди. Шулар орасида мен ҳам борлигимдан хурсандман.

--Сиз нега айнан муҳандисликни танладингиз?

-- Болалигимдан техникага жуда қизиқаман. Шу боис, автомобилсозлик бизнес мактабида ўқиб, уни имтиёзли диплом билан тамомладим. 1996 йилда институтга ўқишга кирдим. Асакадаги автомобиль заводининг ишга туширилиши бу қизиқишимнинг янада ортишига туртки бўлди. Худо хоҳласа, ниятларим катта. Америкада билимимни ошириб қайтганимдан кейин, янги услубдаги ўзбек автомобили яратмоқчиман. Яхши ният ярим мол, деганларидек, яратажак машинамга ном ҳам топиб қўйганман. Масалан, у "Алпомиш", "Фазо", "Тулпор" ёки "Нурилло" бўлиши ҳам мумкин.

-- Гапингизга қараганда автомобилсозлик бўйича ·унча-мунча иш қилган ҳам кўринасиз, шундайми?

-- Албатта. Институтда илмий раҳбарим, техника фанлари номзоди, доцент Тожибой Аиматаев билан шу кунгача "Автомобилсозликда қўлланиладиган кимёвий бирикмалар" мавзуси бўйича бир қанча изланиш олиб бордим. Биринчи илмий мақолам 1997 йил 26 декабрда Тошкентда бўлиб ўтган конференцияда юқори баҳолангач, сўнг матбуотда чоп этилди. Сўнгра яна бир неча мақолаларим республика ва институт миқёсидаги илмий анжуманларда яхши баҳоланди.

Автомобилсозлик республикамизда янги соҳа. Бунинг устига бизда темир конлари оз. Шунинг учун автомобиллар ишлаб чиқаришда кимёвий элементлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунинг бир қанча афзалликлари бор. У автомобилнинг тезлигини оширади, вазни камаяди ва асосийси таннархи арзонлашади. Қолаверса, бу чет эл андозаларига ҳам мос келади.

-- Айтингчи, биз ҳам чет эл даражасига етаоламизми? Демоқчиманки, ўрганишлар тугаб, ўргатиш мавриди ҳам келадими?

-- Тўғри, биз ҳозир ўрганаяпмиз ва айни пайтда хорижлик дўстларимизга ҳам ўзимиз ҳақида маълумот бериб турибмиз. Уларнинг юртимизга бўлган қизиқишлари, ҳурмати кундан-кунга ортиб бораяпти. Ўзбекистондан борган талабаларнинг билимини, дунёқарашини кўриб, тўғриси бизга тан беришмоқда. Айниқса, аниқ фанлар бўйича ўзбекистонлик талабалар уларга қараганда анча билимли эканлигини исботлаяпти. Чунки бизда бу фанлар уларга қараганда чуқур ўргатилади. Энди ўргатиш ҳақида гапирадиган бўлсак, фикрингиз бироз нотўғри. Биз фақат бир вақтлар бой бериб қўйган билимларимизни қайтариб олаяпмиз холос. Чунки Европа тараққиётга бизнинг бобокалонларимиз яратган асарларни ўрганиш эвазига эришмадими? Ҳали уларга ўргатиш вақти ҳам келади. Бунинг учун ҳукуматимиз бизга ишониб, чет элга юбораяптиларми, демак ишончни оқлашимиз керак.

-- Ҳукуматимизнинг, шахсан юртбошимиз Ислом Каримовнинг сизу биз, умуман, ёшлардан умиди катта. Лекин баъзи тенгдошларимиз буни яхши англашмаяпти. Бунга сизнинг муносабатингиз? Қишлоқлардан ҳам сиз каби иқтидорли ёшлар кўпроқ етишиб чиқиши учун нима қилиш керак?

-- Менимча, бу айрим ёшларимиз қандай жамиятда яшаётганлигидан бехабарлигида бўлса керак. Мен барча ёшлар институт ёки университетларда таҳсил олиши керак демоқчи эмасман. Балки уларда ёшликка хос интилиш бўлиши зарур.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди

Японияда тез кунда Марказий Осиё мамлакатларини ўрганиш ноҳукумат институти очилади. Воқеа ўзгача, одатдан ташқари бўлиб, минтақамиз давлатларига Япония кенг жамоатчилиги ва ишбилармон доиралари қизиқишининг тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

ЯПОНИЯЛИКЛАР БИЗ ТЎҒРИМИЗДА КЎПРОҚ БИЛИШ ИСТАГИДА

Ташкилотчиларнинг фикрича, Японияннинг бу минтақадаги муҳим шерикларидан бири бўлмиш Ўзбекистон институт фаолиятида алоҳида ўринни эгаллайди. Институт фаолияти мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий соҳалардаги алоқаларни фаоллаштиришга кўмак беради.

Кунчиқар мамлакатнинг таниқли олим ва ижтимоий-сиёсий арбоблари Марказий Осиё мамлакатлари институтини ташкил этиш ташаббуси билан чиқишди. Бу ўринда, аввалгамбор, Япония парламенти вакиллар палатаси аъзоси Юрико Коике, Такушоку университети профессори Йошикаки Сасаки, ташқи тижорат вазирлиги собиқ юқори мартабали амалдори Йошио Ичирьюларни айтиб ўтмоқ жоиздир.

Институтни ташкил этиш фикри кеча туғилган эмас, лекин у Япония жамоат арбобларининг кўзга кўринган гуруҳининг ўтган йил ноябрь ойида Марказий Осиё мамлакатларига қилган сафаридан сўнг реал амалга оширилди. Улар орасида "Шиншинто"нинг янги чегаралари партияси раҳбарларидан бири ва табиий офатлар бўйича парламент қўмитасини бошқараётган, бир вақтнинг ўзида молия ва тижорат қўмиталарининг аъзоси Ю.Коике ҳам бор эди.

Учрашувимиз чоғида Коике хоним катта иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат — Ўзбекистон унда унутилмас таассурот қолдиргани тўғрисида самимий гапларни айтди. Мамлакатимизнинг барча жойларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, ўзбек халқининг сахий ва хушфеъллиги, унинг истеъдодли ёшлари тўғрисида кўп сўзлади.

Кўҳна Самарқанд, унинг буюк меъморчиликка оид осори-атиқалари унда алоҳида завқ-шавқ уйғотди. Ҳозирда Коике хоним шаҳар тарихий биноларининг қуббалари устидаги мовий сирни сақлаш ва тиклаш махсус жамғармасини ташкил этиш фикри билан қизиқиб қолди. Унинг айтишича, "Самарқанднинг мовий қуббалари Буюк ипак йўлининг кенг саҳнида ўзига хос машъалдир".

Музаффар ЗОҲИДОВ, "Жаҳон" АА мухбири. Токио

Газета саҳифаланаётганда

ИҚТИДОР ЭЪТИРОФИ

Ҳамюртимиз -- 27 ёшли Шуҳрат Тойлоқов учун ўтган 1998 йил жуда баракали йил бўлди.

Европанинг Нейрохирурглари ассоциациясидек нуфузли ташкилотнинг аъзоси бўлган ушбу ёш жарроҳнинг илмий изланишлари, олиб бораётган тадқиқотлари, интилишларини АҚШ, Германия, Япония, Португалия, Россия сингари қатор давлатларнинг таниқли олимлари эътироф этишмоқда.

-- Яқиндагина Японияннинг Осако шаҳрида нейрохирурглар-нинг ўқув машғулотларида ҳамда ўта мураккаб операцияларда қатнашиб қайтдим, - дейди Шуҳрат биз билан бўлган суҳбатда, -- ҳар сафар таътил учун она юртим -Ўзбекистонга қайтганимда эзгу, хайрли юмушларга қўл урилганининг гувоҳи бўламан. Ёшларнинг таълим олишлари учун Ватанимизда катта имкониятлар яратиб бериляпти. Қолаверса, тиббиёт соҳасида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Бундан қувонмай бўладими!

Жорий йилда эса ўзбек фарзанди Шуҳрат Тойлоқовнинг илмий тадқиқотлари юзасидан тажриба алмашиш учун Испания ҳамда Америка Қўшма Штатларига таклиф этишмоқда.

Назокат ШАВКАТ қизи

"ШУНҚОРЛАР" БЕЛЛАШГАНДА

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларини яхшилаш ҳамда уларда ҳарбий ватанпарварлик ва маънавий баркамоллик фазилатларини уйғотиш мақсадида "Камолот" жамғармаси Юқори Чирчиқ туман бўлими, мудофаа ишлар, халқ таълими, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" жамиятлари ҳамкорликда "Шунқорлар" ҳарбий-спорт ўйинини ўтказиш қизғин бошланиб кетди. Янгибозор қўрғонида 6-ўрта мактабда ҳам ана шундай ўйин кўтаринки руҳда ўтди. Унда 10-11 синф ўқувчилари иштирок этишиб, арқон тортиш, саволларга жавоб бериш, сафда туриш, беморга тез ёрдам кўрсатиш, мўлжални нишонга олиш, турникда тортилиш каби топшириқлар бажаришди.

Ғолибларга мактаб маъмурияти томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ

МАҲАЛЛА МАРКАЗИДА

ПОЙТАХТнинг Ҳамза туманидаги И. Акмалов маҳалласида «Камолот» жамғармасининг жамоатчилик марказзи ташкил этилди. Ёшларнинг илк дастури маҳаллада ёшлар базмини ўтказишга бағишланди. Унда жамғарманинг туман бўлими раиси Отабек Сайдазов ва маҳалла оқсоқоли Зокир ака Алимжоновлар марказнинг Рўзиқул Исмоилов бошлиқ ёшларига оқ фотиҳа беришди. Турли миллат ва соҳа вакиллари бўлган йигит-қизларга «Камолот»нинг туман бўлими қошида очилган санъаткорлар гуруҳининг иштирок этиши хуш кайфият улашди.

КЕЛИНЛИГИНГ САЛОМИНГ БИЛАН

Йилнинг ўттиз кунини Аллоҳ суяди. Уч кунини сийлайди. Бу уч кун эшиклар ёпилмайди, қулф илинмайди, ҳамма бир-бирини йўқлайди, сийлайди". Отамдан ҳар ҳайит арафасида шу сўзларни такрор эшитардим. Шу кунлари кишилар бир-бирларининкига ташриф буюриб, меҳр-оқибат, мурувватни тиклайдилар. Бу табаррук кунларнинг энг чиройли, энг файзли дақиқалари -- келин саломидир. Келинларнинг келинлиги уларнинг саломи билан гўзал ва латофатли бўлади деб бежиз айтишмайди. Хонадонига қадам ранжида қилган ҳар бир кишига эгилиб таъзим қилади, келинчак. Унинг ҳар таъзимига "Кўп яшанг!", "Кам бўлманг!" дея алқашади. Гўзаллик ичидаги бу гўзал манзара ҳаё билан, ибо билан янада кўркамлашади. Келин саломи --бу гўёки тирик мавжудодга, ҳаётнинг давомийлигига меҳр-оқибатли инсонларнинг борлигига ва энг яхши, қутлуғ кунларга қилинган таъзимдир.

Л.СОАТОВА

ЭЙ, БАНДА БИЛГИНКИ

(Бу хутба мелодий 632 йилда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом тарафларидан юз мингдан кўп мусулмонга ўқилганди).

Пайғамбаримиз Аллоҳга ҳамду ва санодан кейин ўқиганлар:

Эй, инсонлар! Гапимга яхши қулоқ солинглар. Билмайман, балки бу йилдан кейин сизлар билан бу ерда яна кўриша оламанми? Инсонлар! Бу кунларингиз қандай муқаддас бир кун бўлса, ойларингиз қандай муқаддас бир ой бўлса, бу шаҳарингиз (Макка) қандай муборак бир шаҳар бўлса, жонларингиз, моллларингиз ҳам ўшанақа муқаддасдир, ҳар турли тажовуздан ҳимояланганди.

Эй, саҳобаларим! Эрта-индин роббиларингизга қовушасизлар ва бугунги ҳар ҳол ва ҳаракатингиздан сўрарсизлар. Зинҳор мендан кейин эски совуқликларга қайтиб, бир-бирларингизнинг бўйнингизни кесманглар. Бу васиятимни бу ерда бўлганлар, бўлмаганларга билдиринг. Буларки, билдирилган киши бўлиб эшитган кишидан яна яхши сақланган бўлар.

Саҳобаларим! Кимнинг ёнида бир омонат бор бўлса, уни эгасига берсин. Фоизнинг ҳар турлиси кўтарилгандир. Оёғимнинг остидадир. Лекин қарзингизнинг ўзини бермоқ керак. Зулм қилманглар. Зулмга ҳам учраманглар. Аллоҳнинг амри билан фоизчилик ортиқ таъқиқлангандир. Жоҳилиятдан қолган бу хунук одат (русм)нинг ҳар турлиси оёқларим остидадир. Биринчи кўтарганим фоиз бўлса, Абдулмутталибнинг ўғли (амаким) Аббоснинг фоизидир.

Саҳобаларим! Жоҳилият даврида тўкилган қон даволари ҳам ёппасига кўтарилгандир. Кўтарганим биринчи қон давоси Абдулмутталибнинг невараси (амакиваччам) Робиянинг қон давосидир.

Эй, инсонлар! Бугун шайтон сизнинг шу тупроқларингизда янгидан таъсири ва ҳокимиятини ўрнатиш кучини охиратга қадар йўқотгандир. Бироқ сиз бу кўтарганим ёмон ишлар ташқарисида, кичик кўрилган ишларда унга (шайтонга) алдансангиз, бу ҳам уни суюнтиради. Дининингизни сақламоқ учун булардан ҳам қочингиз.

Эй, инсонлар! Хотинларнинг ҳақларини асрамоғингизни ва бу хусусда Аллоҳдан қўрқмаслигингизни тавсия қиламан. Сиз хотинларингизни Аллоҳнинг омонати деб олдингиз. Уларнинг номусларини ва иффатларини Аллоҳ номи билан сўз бериб ўзларингизга ҳалол қилдингиз. Сизларнинг хотинларингизда ҳақларингиз бор бўлгандай, хотинларингизни ҳам сизларда ҳақлари бордир. Сизнинг хотинлар устидаги ҳақларингиз уларни оила ўчоғини хушланмаганингиз ҳеч бир кимсага бостирмасликдир. Агар рози бўлмаганингиз ҳар қандай кимсани оила ўчоғингизга олган бўлсалар, уларни енгил уриб, огоҳлантира биласизки, токи сақлансинлар. Хотинларни ҳам сизларда ҳақлари бордир. Мамлакат урф ва одатларига қараб, уларни ҳар турли емиш (маиқат) ва кийимлар билан таъмин қилмоқдир.

Эй, мўминлар! Сизларга бир омонат қўйибманки, унга маҳкам боғлансангиз (уни маҳкам қучоқласангиз) ҳеч йўлдан чиқмайсизлар. У омонат Аллоҳнинг китоби Қуръондир.

Эй, мўминлар! Гапларимга яхши қулоқ солинглар ва унутмангиз. Мусулмон мусулмоннинг қардошидир, шунингдек, бутун мусулмонлар ҳам оғайнидир. Дин қардошингизга қарашлик бўлган ҳар қандай нарсага тажовуз қилиш ҳалол эмас. Магарки, ўз ҳуши билан берсин.

Эй, инсонлар! Раббингиз бирдир. Отангиз ҳам бирдир. Ҳаммаларингиз одамнинг болаларисизлар. Одам бўлса тупроқдандир. Аллоҳнинг ёнинда энг қимматли бўлганларинг унинг амридан ташқари чиқмаганларингиздир. Арабнинг араб бўлмаганларга Аллоҳ суйгисидан бошқа бир устунлиги йўқдир. (Аллоҳнинг амрини ким тутса, устун удир)

Қўлигул бека

Ҳайит дастурхонининг файзи, баракаси ўзгача. Ушбу муборак айёмда бошқа байрамлардан фарқли ўлароқ фақат миллий таомлар, пишириқлар тайёрланади. Аслида ўзбек аёлларига таом тайёрлашни ўргатишнинг ўзи кишига эриш туюлади. Лекин бизнинг бугунги тавсияларимиз кўпроқ ошхона сирларини эндигина ўрганаётган қизларимиз, азиз сингилжонларимиз учун мўлжалланган.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида истиқомат қилувчи Дилобар опа Исмоилова маслаҳатларига қулоқ тутайлик-а:

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

-- Ҳайит байрами пишириқлари аксариятининг ўзига хослиги шундан иборатки, улар узоқ вақтгача айнимай, истеъмолга яроқли ҳолда туради. **Бўғирсоқ** тайёрлаш учун унга сут, бироз шакар, тухум, маргарин ёки қўй ёғи солиниб, хамир қорилади. Тинган хамирдан ёнғоқдек зувалачалар узилиб, човли ёки ғалвирга босилади. Сўнг улар доғ бўлган ёғда қизаргунича қовурилади.

Куштили учун ярим стакан шакар эритилган сувга тўртта ё олтита тухум чақиб, қаттиқ қилиб хамир қорилади. Тинган хамир ёйилиб, бурандада ромб шаклида кесилиб қовурилади.

Ўртача катталикдаги **чак-чак** учун ўнта тухумнинг сариғини тоғорага солиб аталанади ва унга туз, коньяк қўшиб хамир қорилади. Бироз тинган хамир юпқа қилиб ёйилади. Ёймадан эни 2,5 см. ли тасмалар кесиб олиниб, унлаб ингичка угралар кесилади. Қизиган ёғда ана шу угралар қовуриб олинади. Бошқа бир идишда асал газга қўйиб эритилади. Асал суюлгач, шакар қўшиб яна оловга қўйилади. Қиём тайёр бўлганини билиш учун ликопчага томизиб кўрилади: агар қиём оқиб кетмаса, у тайёр бўлган ҳисобланади. Қиёмни совутмасдан тайёр угра билан аралаштирилади ва ёғланган лаганга солиб, қўл билан босилади. Чак-чакнинг усти ёнғоқлар билан безатилади.

Юпқа тайёрлаш учун гўшт қиймалагичдан ўтказилиб, сомонча шаклида тўғралган сабзи билан қўшиб, серёғ қилиб қовурилади.

Оддий тарзда қорилган хамирдан кичик зувалачалар узиб олиниб, юпқа қилиб ёйилади. Сўнг қизиган қозонга ярим қошиқ ёғ қуйилади ва юпқадан биттасини солиб, иккала томони сингитиб пиширилади. Сўнгра қозонга иккинчи юпқани солиб, у ҳам пиширилади-да, бетига тайёрланган қиймадан бир қошиқ солиб, устига пиширилган юпқа ёпилади. Иккинчи юпқанинг бетига ҳам қиймадан солиб, устига яна битта хом юпқа ёпилади. Ёпилган юпқани паст томонга ағдариб, бу пишгунча энг юзадаги юпқанинг устига қийма солиниб, яна хом юпқа ёпиб ағдарилади. Шу тариқа юпқани 10-12 қават бўлгунча ағдариб, орасига қийма солиб пиширилади. Сўнгра ҳар бирини алоҳида-алоҳида олиб, тўрт буклаб сирли идишга тахланади. Юпқа жуда суст оловда пиширилиши лозим, қозонга вақти-вақти билан ярим қошиқдан ёғ солиб турилиши керак.

Маслаҳатларни НАРГИЗА ёзиб олди

Ҳайитда боламга ҳам жуда-жуда мазза...

Шу сонга хабар

Улуғ айём кунлари кўнгли ярим, ёрдамга муҳтож кишиларнинг ҳолидан хабар олишдек савобли юмуш бўлмаса керак. Шу боис "Туркистон" газетасининг жамоаси ҳам Республика Бадиий Академияси академиклари, таниқли мусаввирлар, шоирлар билан биргаликда Тошкентдаги Антонина Хлебушкина номидаги Меҳрибонлик уйига ташриф буюрди.

МЕҲР УЛАШИБ

У ерда меҳмонларни тарбияланувчилар жуда илиқ кутиб олишди. Меҳрибонлик уйида эътиборимизни тортган жиҳати шу бўлдики, - атроф, бино ичкариси жуда озода, тартибли ва саранжом-саришта эди. Турли миллат вакилларидан иборат тарбияланувчиларнинг ўзларини тутишлари, соф ўзбек тилида салом бериб, хушнуд боқишлари кишини ҳаяжонга солади.

— Оиламизда юздан зиёд болалар тарбияланади, - дейди биз билан хоналарни айланаркан Меҳрибонлик уйи директори Нина Ивановна Верешагина. - Болаларимизнинг барчалари илмга қизиқиши билан биргаликда, турли бадиий тўгаракларда ҳам фаол иштирок этишади.

Ҳақиқатан ҳам кичкинтойларнинг шўх-шодон рақсга тушишлари, бийрон шеър ўқишларию ранго-ранг суратларни қойилмақом тарзда ишлашларидан ҳайратга тушдик.

Маълум бўлишича, мазкур Меҳрибонлик уйи Республика Бадиий Академияси томондан отаниқка олинган экан. Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев ташкил этган тасвирий санъат студиясининг аксарият аъзолари ҳам айнан шу ерлик болалар. Бадиий Академия қошидаги Рассомлик коллежи маъмурияти эса ўн йилдан буён болалардан ўз маслаҳати ва кўмагини аямайди.

— Бизнинг коллежимизда Меҳрибонлик уйининг бир қанча тарбияланувчилари ҳам таълим олади, - деди коллеж директори Ғулом Йўлдошев. - Улар ўзларининг алоҳида иқтидори ва истеъдоди билан ажралиб туришади.

Байрам арафасида ташкил этилган кўргазмани кўздан кечирар эканмиз, биз ҳам бунинг гувоҳи бўлдик. Болаликнинг беғубор ва мусаффо қалбидек оппоқ қоғозларда жажжилар чизган расм эмас, балки уларнинг орзу-ўйлари, эзгу умидлари акслланган. Шуҳрат Алимов, Баҳром Бойматов, Баҳром Каримов, Динора Азизхўжаева, Сергей Гуменюк сингари болалар ишлаган расмлар алоҳида таҳсинга сазовор.

Таниқли шоир Нормурод Нарзуллаев болаларни Рамазон ҳайити билан қутлаб, уларга бағишланган шеърларидан ўқиб берди. Болаларга атаб ёзган китобларидан туҳфа қилди.

— Болаларнинг тасвирий санъат борасида қўлга киритаётган ютуқларининг асосий сабаби уларга яхшигина эътибор берилаётганидадир,- дейди Бадиий Академия раисининг биринчи муовини Акмал Икромжонов. - Йўлбошчимиз ёшларга катта умид боғлаганлар. Бу жиҳат Меҳрибонлик уйининг тарбиячилари ва мураббийларининг диққат марказида эканлиги дарҳол аён бўлади.

Таҳририятимиз аъзолари томонидан болаларга аталган совғалар топширилгач, қизиқарли концерт бошланиб кетди.

Ўқувчи Шаҳноза Холиёрова "Онажоним" қўшиғини куйлаганида бутун зал сув қуйгандек жимиб қолди. Оксана Панкова, Вика Наукиналар ўзбекча рақс ижро этганида эса қарсак чалмаган одамнинг ўзи қолмади.

Ўз навбатида газетамиз қошида очилган "Туркистон болалари" мусиқа гуруҳи аъзолари - Жамшид Сафаров, Фозил Абдураҳмонов ва бошқа умидли ёш хонандалар ҳам йиғилганларга бир олам қувонч бахш этди.

Ташрифимиз ниҳоясида Нина опа яна шундай учрашувларни тез-тез ўтказиб туришмизни илтимос қилди. Барча учун бу таклиф маъқул тушди. Болалар бизга қўл силкитиб, ишимизга ривож тилаб қолишди.

Назокат УСМОНОВА

ЯХШИЛАР ЁДИ...

Ҳар доим иш юритиш дафтаримни варақлаганимда Аҳрор Самариддиновнинг телефон номерига кўзим тушса, дунёда қисқа вақт яшаган бўлса ҳам ўзидан қолдирган яхши хотиралари ёдимга тушади.

Аҳрор ака билан 1994-96 йиллар "Туркистон" газетасининг вилоят мухбири бўлиб ишлаганида танишганман.

У киши ёзадиган мақолани хонада ўтириб эмас, балки ёшлар билан суҳбатлашиб, улар орасида ёзарди.

Мақолаларининг долзарблиги, бугунги кун билан ҳамнафас бўлганлиги сабабли доимий равишда газетада Аҳрор аканинг номи чиқиб турарди. У ўз касбини севарди.

Аҳрор акани драматург Қилич Абдунабиев шундай хотирлайди:

Бир пайтлар Қамаши туманидаги Оқработ жамоа хўжалиги ҳақида вилоят рўзномасида Аҳроржоннинг танқидий мақоласи босилди. Ушбу хусусида Қамаши туманининг собиқ раҳбарлари Аҳроржонга анча тазйиқ ўтказишди. Аҳрор хақида ҳар хил гап-сўзлар тарқатилди. Аммо танқидий мақолани ипидан-игнасигача ўрганган, халқ дилида ётган гапларни ёзган Аҳрор чекинмади.

-- Мен Аҳрор ака билан 1995 йил Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Талабалар баҳори" фестивалида танишган эдим,- дейди вилоят "Камолот" жамғармаси бўлими мудири Г.Давронов. - Баъзан шундай одамлар бўладики, улар билан бир марта учрашиб қолсанг, гўёки, минг йиллик қадрдонлардек бўлиб қоласан . У сени оҳангрободек ўзига тортаверади.

Аҳрор аканинг ўткир нигоҳлари, шу билан бирга ҳамиша кулиб турувчи кўзлари бир умр эсимдан чиқмаса керак. У кишининг майин, шу билан бирга гапларини кесиб-кесиб гапиришлари менда у киши ҳақида бағри кенг, кўнгли очиқ, меҳрибон, бир сўзли, ҳақиқат учун жонини фидо қилувчи инсон деган фикр уйғотди.

Бугун Аҳрор аканинг ёру биродарлари, кўрган-билганлари ҳам худди шундай эслайдилар.

Д. АЛЛАЕВ,
Қашқадарё

ЭНДИ КЎРИШМАЙМИЗ...

Тошкент Автомобиль йўллари институтининг 2-курсида ўқиб юрган ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган, менинг юрагим тубидан жой олган меҳрибон дўстим Садатжон Раҳмонов тонг отишига ҳам етмай дунёга рихлат қилган эди.

Биз бир-биримизни шунчалик ҳурмат қилардикки, бир-биримизга бўлган меҳр-муҳаббат шунчалик кучли эдики, узоқдалигимиз туфайли жуда соғиниб яшар эдик. Чунки у ўқир, мен эса ўзимизнинг Чироқчи туманида ишлар эдим. У ҳар доим сен ҳам Тошкентга ўқишга борсанг иккаламиз бирга бўламиз, талабалик «даврини бирга сурамиз», дер эди. Бу гаплари менга анча таскин берарди. Менга атаб ҳам шеърлар ёзасан, бирга-лашиб ўқиймиз, — дерди. Афсуски, энди ёзган шеърларим унинг айтанларининг мутлақо акси, унинг хотирасига бағишланмоқда. Энди эса мен Тошкентда, у эса...

Садатжоннинг менга айтган охирги гапини эсласам, ҳали-ҳали даҳшатга тушаман. Таътил тугаб, ўқишга қайтаётганида хайрлашаётиб, беихтиёр «энди кўришмаймиз» — деган гап оғзидан чиқиб кетди. Бу гап унинг менга айтган охирги гапи эди. Шу гапдан кейин ҳақиқатан ҳам биз кўришмадик.

Унинг бу дунёдан изсиз кетганига ачинаман.

Ғофур ЖАБИЕВ,
ТошДУ журналистика факультетининг 1-босқич толиби

70 ёшдан ўтиб мўйсафидга айланган таҳририятимизнинг биз билган — билмаган армонлари жуда кўп. Ўшалар қаторига охирги йилларда яна кўплаб оғриқ армонлар қўшилди.

"Туркистон" ("Ёш ленинчи")нинг забардастларини, ишонган тоғларини ажал деган бедаво дард олиб кетди. Таҳририятнинг армон саҳифасига Абдураҳим Абдуллаев, Фаррух Раҳимов, Фозилжон Шодмоналиев... яқиндагина эса Аҳрор Самариддинов номи ёзилди. Уларнинг ҳар биттасининг таҳририятда ўз номи, ўз ўрни, ўз сўзи бор эди. Ҳозир ҳам газета тахламларини титганимизда ўша овозлар эшитилиб қолади.

Шу улуғ айём кунларида барча ўтганларимизнинг руҳлари шод бўлишини Аллоҳдан сўраб қоламиз.

«Туркистон»чилар

Илоҳий ҳидоят

XX аср охиридаги ўзбек адабиёти эришган катта ютуқлардан бири Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобиловнинг "Янги Хамса" асари, десам муболаға бўлмаса керак. Унинг таркибидаги беш достондан тўрттаси ("Нотинч Хуросон", "Шукуҳли карвон", "Сокин Хуросон", "Қонли Хуросон") адабиётимизнинг фахри, буюк давлат арбоби Алишер Навоий фаолиятини бутун мураккабликлари билан тасвирлашга бағишланган. Навоий келажак ҳақида ўйлаганда, кўп нарсани хаёлидан ўтказган бўлиши табиий. Лекин ўзбек тилида биринчи "Хамса"ни ёзиб, беш юз йилдан кейин унинг ўзи тўғрисида "Янги Хамса" ёзилишини тасаввур қилмаган бўлмаса керак.

Бешинчи достон Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг XV аср ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида ғоят муҳим рол ўйнаган улуғ руҳоний арбоб ва нақшбандия тариқатининг пешвоси Хожа Аҳрори Валий ҳаёти ва фаолияти тўғрисида. Бундан 10-15 йил олдин бундай асарнинг пайдо бўлиши уёқда турсин, бу тўғрида ўйлашнинг ўзи ҳам амримаҳол эди. Шундай бир мавзуда достон яратилиши катта янгилик бўлиб, буни миллий мустақиллигимиз меваси сифатида баҳолашимиз тўғри бўлади. Шоир 24 минг байтдан иборат улкан мажмуасини яратишга умрининг йигирма йилдан ортиқ қисмини бахшида этган.

Ўз ижодини дилрабо шеърлар ёзишдан бошлаган Б.Бойқобилов 70-йилларга келиб, ўз маҳоратини кўпроқ достончиликда синаи бошлади. Унинг "Афросиёб", "Тожмаҳал", "Гул ва шамшир", "Самар ва Қанд", "Шарора", Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида "Кун ва тун" достонлари шоир ижодининг кейинги йўналишини белгилаб берди. Айниқса, тарихий мавзулар унга қўл келгандай эди. "Навоийнома"га қадар Б.Бойқобилов шундай сермашаққат ижодий йўлни босиб ўтди.

Ўзбек тилида шеърий роман яратиш кўпгина ижодкорларнинг орзуси бўлган. Б.Бойқобилов шу орзуга эришган. Лекин у ўз мақсадига европача маънода эмас, ўз адабиёти анъаналари асосида, уларни, хусусан, хамсачиликни бизнинг давримизда қайтадан тирилтириш йўли билан етишди. Миллий шоиримиз, миллий адабиётимизнинг асосчиси Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти бунга тўла имконият берган. Ҳусайн Бойқаро Навоий ҳақидаги бир шеърида унинг оламшумул хизматларини, ижодкорлик соҳасидаги ҳақиқий қаҳрамонлигини сўз мулкининг "кишваристони", "қаҳрамони", ҳатто "соҳибқирони" деб таърифлаган эди:

Эрур сўз мулкининг кишваристони;
Қаю кишваристон, хусравнишони.

Дема хусравнишонким, — қаҳрамони;
Эрур гар чин десанг, — соҳибқирони.

Ҳақиқий буюк асарлар буюк ҳақиқатлар, буюк тақдирлар, буюк ғоя ва мақсадларга асослангандагина юзага келиши мумкин. Б.Бойқобилов шу йўлдан борган ва олдиндан айтиш мумкинки, ўз ниятига эришган.

Тўғри, шоир ўз асарини "Хамса", аниқроғи, "Янги Хамса" деб атагани бир қанча саволлар келтириб чиқариши мумкин. Чунки "Хамса" деганда биз анъанага кўра, одатда турли мавзуларда ёзилган беш мустақил асарни тушунамиз. Б.Бойқобилов эса бу тушунчага янгилик киритиб, Навоийнинг болалиги, йигитлиги, ўрта ёши ва кексалиги ҳақидаги тўрт достонига Хожа Аҳрор ҳақидаги достонини қўшиб, уни "Хамса" деб атаган. Халқимизда "Қаердан қулоқ чиқариш қозончининг қўлида", деган нақл бор. Бу ўринда "Хамса" атамаси шартли равишда беш достон маъносида қўлланган. Ўз асарига қандай ном қўйиш -- муаллиф ҳуқуқи.

"Навоийнома" достонлари ва "Ҳайратул-Аҳрор" мавжуд тарихий манбалар ва ҳужжатлар асосида ёзилган. Икки асарда ҳам бошидан охиригача ягона сюжет чизиғи бўлмаса-да, аммо икки буюк инсоннинг ҳаёт йўли туғилишидан то вафотига қадар, тарихда қандай бўлса шундай, мукаммал, ўз мантиқи билан ёритиб берилган.

Масаланинг кўзга ташланадиган муҳим жиҳатларидан бири шундаки, бу икки буюк инсон ўз даври ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида ғоят фаол иштирок этганлар. Навоий Абулқосим Бобур, Ҳусайн Бойқаро билан Самарқандда эканлигида Султон Аҳмад каби ҳукмдорлар, Аҳмад Ҳожибек каби катта амалдорлар билан жуда яқин муносабатларда бўлган. Темурий подшолардан Абу Саид билан ўрталарида ихтилоф юз берган. Хожа Аҳрор эса Мовароуннаҳр подшоҳларининг пири ва биринчи маслаҳатгўйи эди. Б.Бойқобилов уларнинг бой ва мураккаб ҳаётлари билан боғлиқ воқеа ва ҳодисаларнинг ичига чуқур кира билган ҳамда улардаги инсонпарварлик, адолатпешалик ва донолик фазилатларини ранг-баранг қирралари билан тўғри ёрита олган.

Ибратли ва мазмундор турмуш кечирган бу улуғ зотларнинг сиёсий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ кечинмаларини шоир кўп ўринда янгидан кашф қилган, дейиш мумкин. Масалан, Навоий таржимаи ҳолининг Абу Саид ҳукмронлик қилган даври кўп жиҳатдан бизга ҳамон қаронғи. Б.Бойқобилов тасвирлашича, Абу Саид шуҳратпараст ҳукмдорлардан бўлиб, ёш Навоийни ўз саройига хизматга чақирган ва унга ўз тарихини шеър билан ёздирмоқчи бўлган:

-- Сиз эса битгайсиз назмий тарихим,
Олам ҳайрон қолсин, ўқиб таърифим.
("Янги Хамса", 103-саҳ).

Тарихий манбаларда бу тўғрида маълумот жуда кам. Б.Бойқобилов ёзишича, Навоий Абу Саид таклифига рад жавобини беради. Бу Навоийдаги буюк жасоратнинг кўрининши эди. Умуман, тарихий ҳақиқат ҳам шундай. Бу ҳукмдорнинг ёш шоирга нодўстона муносабати туфайли у Самарқандга кетишга мажбур бўлади. Шу йиллари Навоий томонидан устози Саййид Ҳасан Ардашер номига ёзилган шеърий мактубда Самарқандга кетиш сабабларини изоҳлар экан, бу даврда у шоир сифатида юксак малака ҳосил қилганини, бир кунда юз байт шеър ёзиш унга ҳолва ейишдай бир гап эканини, лекин ўз шеърий истеъдодини кимларгадир пулга сотиш фикридан жуда узоқ бўлганини эҳтиёт санъати орқали қуйидагича ифодалаб берган эди:

Агар хосса маъни, гар эҳтиёт эрур,
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур.
Вале айт, — деб ким манга тутти юз,
Ки мен юз учун демадим икки юз.

Бинобарин, "Янги Хамса"да Навоий ҳаётининг муҳим бир нуқтасидаги воқеа тўғри ёритилган. Асардан бу хил мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

"Янги Хамса"нинг "Навоийнома" қисмида ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда юз берган воқеаларга, уларда Навоийнинг иштирокига, зулм ва жаҳолатга қарши курашларига катта ўрин берилган. Навоий Темурийлардан Абулқосим Бобур, Ҳусайн Бойқаро томонидан туриб, бундай ҳукмдорларнинг сиёсий ютуқларидан ҳурсанд бўлган бўлса, маглубиятларидан, улар орасида юз берган низолардан қаттиқ изтироб чеккан, қўлидан келганича уларнинг салтанатини мустаҳкамлашга ёрдам берган.

Шу билан бирга ўз даврида Навоий Хуросондаги шу давр маданиятининг ҳар томонлама ривожланишига катта ҳисса қўшган. "Навоийнома"да Навоийни қуршаган Абдураҳмон Жомий, Беҳзод, Мирхонд, Хондамир, Биноий каби шоирлар, тарихчи олимлар ва санъаткорлар тўғрисида ёзилган илиқ сатрлардан китобхон беҳад завқланмай иложи йўқ.

Навоий ҳақида адабий асар ёзган кўп ижодкорлардан фарқли ўлароқ Б.Бойқобилов ўз достонларида улуғ шоирнинг "Хамса", "Ҳазойинул-маоний", "Мезонул-авзон", "Лисонут-тайр" ва бошқа асарларини қандай шароитда яратганини ҳам фахрланиш туйғулари билан ёритган. Айниқса, ўзбек тилида "Хамса"-ёзиш Навоийнинг бадиий ижод соҳасидаги энг катта ютуғи бўлган эди.

Б.Бойқобилов жамият ҳодисаларинигина эмас, табиат манзараларини, ёшлик шўхликларини, дўстлик қувноқликларини, маърифат, шеърият завқ-сафоларини жозибали сатрларда тасвирлашда маҳорат чўққиларига кўтарилган дейиш мумкин. Шоир навбаҳор ҳақида ёзади:

Гозургоҳ ҳавоси ёқимли ва соф,
Навбаҳор сеҳридан яшнаган атроф,
Илиқ ва хушбўйдир замин нафаси.
Шудгордан келади тириклик саси,
Уйғонган боғлардан узолмай кўзин,
Навоий бахтиёр сезади ўзин. (240-саҳ).

Навоийга доим монелик қилган Маждиддин Муҳаммад, Ҳожа Ўсмат, Низомулмулк, шоир даҳо Ҳиравий каби салбий шахсларнинг тимсоллари эса ҳажвий услубда аниқ-тиниқ қилиб чизилган. Масалан, шоир порахўр Хожа Ўсмат тўғрисида:

Ақчага айирбош айлади сувни,
Эл қочди, — узоқдан кўрса у қувни...
(217-саҳ)

деб ёзса, амалпараст Маждиддинни:

«Қоронғида танир, — дерлар, — кўр-кўрни».
Бир боқишда билар сур одам сурни, —
деб таърифлайди.

"Ҳайратул-Аҳрор" достони ҳам XV аср воқеалари тўғрисида ҳикоя қилади ва "Навоийнома"нинг давомидай ўқилади. Лекин кўз олдимизда Хуросон эмас, кўпроқ Мовароуннаҳр гавдаланади. Асар марказида шу даврнинг маънавий ҳаётининг устуни, пири муршид Хожа Аҳрори валий ҳаёти, унинг кароматлари, бой ва юксак шахсияти. Аллоҳ унга болаликдан юксак ақл-заковат, имон-эътиқод ато этган бўлиб, бу хусусиятлар ундаги меҳнатсеварлик, маърифатга интилиш, шоҳга ҳам, гадога ҳам бир хилда инсоний муносабатларда бўлиш каби фазилатлар билан қўшилиб кетган эди. Бу тўғрида шоир шундай дейди:

Деҳқону ҳунарманд, шоиру меъмор,
Олиму руҳоний, тожиру мулкдор,
Аҳли иродату мардуми нажот
Комил инсон билан қилур мулоқот (460-саҳ).

Хожа Аҳрор ўз даврининг барча ҳукмдорлари билан мулоқотда бўлган ва уларнинг ҳурматини қозона олган, қозона олгангина эмас, уларни ўз иродасига бўйсундира олган бир ноёб шахс эди. Хожа Аҳрор отда бораётган бўлса, не-не хонлар ва султонлар унга фармонбардорлик ва ихлосмандлик кўрсатиб, у минган отни етаклаб боришни ўзлари учун шараф деб билганлар. У даврда бундан ортиқ ҳурматни тасаввур этиш қийин. Булар ҳаммаси Б.Бойқобиловни улуғ Ҳазрат ҳақида катта ихлос билан, кўтаринки услубда қалам тебратишга илҳомлантирган.

Хожа Аҳрор мазкур достонда буюк Эшон сифатида шаҳар ва қишлоқларни кезиб, мурид овлаган. Реал ҳаётда ҳам шундай бўлган. У одамларнинг кимлигидан қатъий назар, динни маҳкам ушлашга, адолат ва инсофга, мўроса ва мадорага, маърифатга даъват этган. Достоннинг асосий ғоявий моҳияти шунда. Шу томони билан Б.Бойқобиловнинг бу достони панднома жанри хусусиятларини касб этган. Хожа Аҳрор ўз сафарлари давомида ўргатади ҳам, ўрганади ҳам. Шу боис мазкур достон ёзилиш услуби жиҳатидан биринчи навбатда Алишер Навоийнинг "Ҳайратул-Аброр" достонига жуда яқин. Муаллиф ҳар қадамда қизиқарли ҳикоялар келтиради ва бу ҳикоялардан уларнинг мағзини чақиб, бир олам ҳаётий хулосалар чиқаради. Ҳеч шубҳа йўқки, Хожа Аҳрор чиндан ҳам ўз даврининг сеҳрли кучга эга бўлган донишманди, руҳшуноси бўлган. Достонда тўғри тасвирланганидек, одамлар унга Мавлоно Қосим сингари жонини беришга тайёр бўлганлар. Бунақаси тарихда бўлмаган!

Хожа Аҳрор шахсининг нақадар буюклигига яна бир мисол. Достонда тасвирланишича, Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад, Тошкент ҳукмдори Султон Маҳмуд ва Андижон ҳукмдори Умар Шайх Мирзо ораларида низо чиқиб, улар мингларча аскарлар билан бир-бирларига қарши жангга отланадилар. Бу уч ҳукмдор аслида ака-ука эдилар. Хожа Аҳрор эса астойдил бу тўқнашувнинг олдини олишга, уларни муросага келтиришга ҳаракат қилади. Буюк Эшоннинг оқилона насиҳатлари таъсирида улар уччови ҳам жанг майдонига яқинлашганларида қиличларини улоқтириб, бир-бирлари билан қучоқлашиб, йиғлашиб кўришадилар. Мазкур достонда бу воқеа тасвири ҳақиқий эпик маъно касб этиб, Хожа Аҳрор тимсолининг улуғворлиги ёрқин намоён бўлган. Б.Бойқобилов эса ўз қаҳрамонларининг ички оламини ёритишда маҳорат кўрсатган. Ушбу манзарага якун ясаб, шоир ёзади:

Ёв эмас, тил топди уч ога-ини,
Урушмас, тинчликдир ҳаёт мазмуни.
Хожа Ҳазратларин исми тилларда;
Не тил, каромати мадҳи дилларда (524-саҳ).

Достоннинг яна бир ажойиб бобларидан бири Хожа Аҳрор ва Алишер Навоий муносабатларига бағишланган. Илгари биз Жомий ва Навоий ҳақида гап борганда, уларни Хожа Аҳрорга зид қўйишга интилардик. Аслида улар жуда кўп масалаларда ўзаро ҳамфикр бўлганлар. Ҳатто Навоийнинг "Сиротул-маслимин" асари Хожа Аҳрорнинг илтимоси билан ёзилган. Б.Бойқобилов асарида бу масала ўзининг тўғри ифодасини топган. Навоий ўз "Хамса"сини ёзиб бўлгач, унинг бир қўлёзма нусхасини Жомий орқали Самарқандга, шахсан Хожа Аҳрорга туҳфа қилиб юборади. Бу билан ўзбек тилида "Хамса" яратилиши улуғ Ҳазратнинг ҳам орзуси бўлгани таъкидланади. Шоир унинг шу дақиқадаги кайфияти ҳақида шундай дейди:

Хожа ҳазратлари боши осмонда,
Ундан бахтли одам йўқдек жаҳонда (518-саҳ).

Бу воқеа тасвири ушбу асар мазмуни ва матни билан табиий равишда ёпишиб кетган, бир ҳодиса иккинчи ҳодисани, бир ғоя иккинчи ғояни тўлдиради. Чунки ўз "Хамса"сининг биринчи достонида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Аҳрор васфларига махсус бир боб бағишланган ва Хожа Аҳрорни бугунги куннинг Нақшбанди деб таъкидлаган эди. Б.Бойқобилов достонидан Хожа Аҳрор ва Навоий муносабатлари тушиб қолганда, катта нуқсонга йўл қўйилган бўлур эди.

Б.Бойқобиловнинг "Янги Хамса" китоби хусусида бундан ҳам кўп яхши ва илиқ гапларни айтиш мумкин. Шоир достондан достонга ўса борган. "Навоийнома" достонларида шоир Навоийнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва ижодий фаолиятини атрофлича яхши ва тўла тасвирлаган ҳолда унинг шахсий ҳаётини, оила қура олмагани туфайли бошидан кечирган қийинчиликларни деярли эътиборсиз қолдирган. Баъзи қаҳрамонларининг таъриф ва тавсифларини эса ҳаддан ошириб юборади. Масалан, шоир сўнгги достонининг бош қаҳрамони ҳақида:

Ундан улуғ зот йўқ замонасида,
Не замон, тасаввуф кошонасида (525-саҳ)

деб ёзар экан, Улуғбек, Жомий, Навоийлар-чи? -- деган савол туғилиши табиий. Тарихда улуғларнинг ҳаммасининг ўз ўрни бор-ку! Уларнинг бирини иккинчисидан паст ёки юқори қўйиш унча тўғри эмас.

Табаррук тарихимизнинг зукко билимдони, забардаст шоиримиз Барот Бойқобилов ўзининг "Янги Хамса"си билан адабиётимизни бойитди. Уни буюк Навоий анъаналарига янада яқинлаштирди. XXI аср бўсағасида ушбу ғўзал мажмуанинг юзага келиши адабиётимиз янги асрга дадил қадамлар билан кириб бораётганини кўрсатади. Халқимизнинг икки буюк фарзандлари ҳақидаги бу достонлар юксак ахлоқий мезонлар асосида яратилган. Қон-қони билан, бугунги Мустақиллигимиз ғоялари билан боғланган мазкур достонлар халқимизнинг маънавий камолотига хизмат қилиши, шубҳасиз. Ноёб шеърий истеъдод соҳиби Б.Бойқобилов энг заҳматкаш бир инсон бўлиб, бу асарлари билан, республикамиздагина эмас, Марказий Осиё миқёсида ижоднинг юксак чўққиларига кўтарила олди! -- деб фахр билан айтиш мумкин. Бу -- ҳақиқий жасорат! Унга мен янги ижодий зафарлар тилайман.

А.ҲАЙИТМЕТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор

«Туркистон» ҳаритасида

Косовалик албан мухолифатчилари ўтган жума куни асирга олинган саккиз нафар югослав армияси аскарларини озод этишга розилик берди. Бу ҳақда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти раиси Кнут Валладек Косово Озодлик армияси вакили Адем Демоч билан олиб борган музокаралардан сўнг маълум қилди. Гаровдагилар тез орада ЕХҲТ миссияси вакиллари ихтиёрига топширилади. Айни пайтда Югославия республикасига ташрифи давомида Кнут Валладек этник албанлар раҳбари Иброҳим Ругова билан учрашиб, Косоводаги кескин вазиятни бартараф этиш масаласи бўйича музокаралар олиб борди. Ўтган йили аланга олган ушбу можаро ҳозирга қадар 200 дан зиёд косоволик ҳаётига зомин бўлди.

***

Ҳиндистонда банк ходимлари томонидан ўтказилган бир кунлик иш ташлаш оқибатида мамлакатдаги бутун банклар тизимида фаолият тўхтаб қолди. Ҳиндистон банклар ассоциацияси ходимлари Касаба уюшмаси ойлик маошларни 20 фоизга ошириш тўғрисидаги талабларни рад этгач, бир ярим миллион нафардан зиёд банк хизматчилари иш ташлашга қарор қилганлар. Ҳиндистон банк хизматчилари конфедерацияси вакили Гоелнинг айтишича, банклар маъмурияти хизматчилар маошларини фақатгина 8 фоизга оширишга рози бўлганлар холос. Иш ташлаш жараёни давлат банк тизимига миллионлаб рупий миқдорида зарар келтирмоқда.

***

Сьерра-Леоне қўзғолончилари раҳбари Фодей Санко мамлакатда тинчлик ўрнатиш миссияси дипломатлари билан учрашиш мақсадида Гвиниега келди. У можарони қурол кучи билан ҳал этиб бўлмаслигини эътироф этмоқда. Пойтахт Фритаунда ҳукумат қўшинлари ва мухолифатчилар ўртасида бир ҳафтадан буён давом этаётган қонли жанглар шиддати сусайгани йўқ. Пойтахт қамали туфайли минглаб фуқаролар очлик исканжасида қолдилар. Шаҳарда озиқ-овқат ва ичимлик танқислиги яққол сезилмоқда.

***

Африканинг яна бир мамлакати Анголада ҳам озиқ-овқат танқислиги вужудга келди. Зеро, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўтган ҳафта мухолифатчилар томонидан икки самолётнинг уриб туширилишига жавобан Анголага озиқ-овқат, дори-дармон ёрдами етказиб беришини тўхтатиб қўйди. Шунингдек, Халқаро Ҳамжамият вакиллари ҳукумат ва УНИТА жангарилари ўртасида давом этаётган жанглар таҳдидидан ҳоли ҳудудларга кўчирилмоқда. Бу эса ўз навбатида Уамбо шаҳрида бошпана топишга мажбур бўлган 80 мингдан ортиқ қочоқлар аҳволини янада оғирлаштирмоқда.

***

АҚШ мудофаа вазири Вильям Кохэн Японияниг Киото оролида жойлашган АҚШ ҳарбий базаларига ташриф буюрди. Ушбу ташрифдан кўзланган мақсад Японияни қўшни Шимолий Кореянинг ядровий таҳдидидан ҳимоя этишдир. Зеро, куни кеча Шимолий Корея ҳукумати ядро қуроли ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ер ости иншоотларини зарарсизлантириш эвазига Пентагон маъмуриятидан 300 миллион доллар маблағ сўраган. Бироқ Коэн бу таклифни рад этиб, Шимолий Кореядан аввалги шартнома мажбуриятларининг сўзсиз бажаришини талаб қилмоқда. Албатта бугунги кунда Шимолий Кореянинг ядровий дастуридан хавотирланаётган Япония АҚШ ҳарбий базаларини ҳар томонлама мустаҳкамлашдан манфаатдордир. Айниқса ўтган йилнинг ноябрь ойида Шимолий Кореянинг баллистик ракетаси Японияниг денгиз ҳудудига тушгани бу хавотирларнинг асосли эканлигини кўрсатади.

***

Атроф-муҳит ҳимоялари учун айни муддао бўлган қашфиёт Германияда амалда қўлланилмоқда. Бу ҳам бўлса автомобиль ёқилғи қуйиш шаҳобчаларидан бирида одатдагидек бензин ўрнига суюлтирилган водородни таклиф этилаётганлигидир. Бу тажриба ихтирочиларининг айтишига қараганда, суюлтирилган водород газнинг асосий устунлиги ёнганида сира тутун чиқмаслигидир. Бироқ газ суюқлигининг ягона камчилиги, унинг - 250 целсий даражасигача совутилиши учун катта энергия манбаи зарурлигидир.

***

Яманда яқинда 16 нафар туристни гаровга олган Ислом жангарилари гуруҳи устидан суд жараёни бошланди. Сайёҳларнинг кўпчилигини АҚШ ва Буюк Британия фуқаролари ташкил этади. Айни пайтда Яман прокуратураси вакили қўлга олинган жиноятчиларнинг ўлим жазосига ҳукм этилишини талаб қилмоқда. Яман ҳукуматининг маълум қилишича, туристларни қўлга олган гуруҳ 14 кишидан иборат бўлган. Ҳозирча улардан бор-йўғи уч нафари қўлга олинган холос. Гаровга олинган туристларни озод этиш операцияси чоғида тўрт нафар сайёҳ ҳалок бўлган.

***

Россия Арманистонга жанговар "С-300" русумли зенит ракета мажмуаларини жойлаштиради. Бу ҳақда Россиянинг Ереванда элчиси Дрюков маълум қилган. Бундан кўзланган мақсад, республикадаги Россия ҳарбий бўлинмалари қурол-аслаҳаларини янгилашдан иборатдир. Лекин элчи жанговар русумдаги мазкур ракеталарнинг Арманистонга қачон жойлаштирилиши ҳақида маълумот бермаган.

***

Бразилия Марказий банки раиси Гутаво Франко истеъфога чиқишга улгурмасданоқ бутун жаҳон биржаларидаги қимматли қоғозлар нархи туша бошлади. Жумладан, Европа ва Нью-Йорк биржаларида акциялар қиймати бир ярим фоиздан саккиз фоизгача тушиб кетди. Айни пайтда ҳукумат аъзолари Бразилиянинг пул бирлиги - реалнинг долларга нисбатан қадрсизланиши мумкинлигини маълум қилмоқдалар. Шунга қарамай, чет эл сармоядорлари ҳукумат янги иқтисодий тартибни ҳаётга тадбиқ қилмаслигидан хавотирга тушиб, ўз пулларини Бразилиядан олиб чиқишга қарор қилдилар.

***

Чили ҳукумати ўз вакилларини келаси ҳафтада Лондонда бўлиб ўтадиган Олий суд йиғилишига юборишини билдирди. Унда яна бир бор Чилининг собиқ ҳарбий диктатори генерал Пиночетнинг суд жавобгарлигига тортилиши лозимми ёки йўқми деган саволга жавоб берилади. Эслатиб ўтамиз, ўтган йилнинг ноябрь ойида Буюк Британия парламентининг Лордлар палатаси Пиночетни Испания ихтиёрига топширишни лозим топган эди. Лекин Пиночетнинг адвокатлари суд ҳайъати аъзоларидан бири инсон ҳуқуқларини ҳимоя этувчи Эмнести Интернейшнл ташкилотига алоқадор эканлигини эътибор этиб, ушбу суд қарорини ноқонуний деб эълон қилдилар.

***

АҚШ маъмурияти Россиянинг учта университетини Эрон давлатига ракета ва ядро қуроли технологиясини юборганликда айблаб, уларга қарши иқтисодий чоралар қўлланилишини эълон қилди. Бунга жавобан Россия бош вазири Евгений Примаков қалтис йўллар билан икки давлат муносабатларига путур етказиш мумкинлигини эътироф этди. Россия мудофаа вазири Игорь Сергеев эса ушбу айбномаларга эътироз билдирди ва улар ортида бошқа мақсадлар борлигини таъкидлади.

(Охири. Аввали ўтган сонларда)

Атоникига кириб бордик. Уйда, эшик олдидаги ёғоч сўри устида милтиқ тозалаб ўтирган экан. Бизни кўриб, аввалига ҳанг-манг бўлиб қолди. Кейин саросима билан ўрнидан отилиб турди-да, биз томонга қучоқ очиб пешвоз юрди:

-- Вах, вах, қандай яхши меҳмонлар! Хуш келибсиз, нури дийда, тожи сар!

Кўришдик. Мен унга Акмални таништирдим. Сурайёнинг ўғли эканлигини эшитиб, хурсандлигидан Атонинг оғзи қулоғига етди.

Бироздан кейин, дастурхон устида биз Атога бўлган гапларни очиқ айтдик. "Энди орқага қайтиш йўқ, агар хўп десангиз, шу ерда бироз яшаб турамиз, кейин бизни узоқроққа, кўз-қулоқдан холироқ бирон жойга оширворарсиз" дедик.

Биз Атоникида икки кун турдик. Акмалдан нимадир кутаман, унинг тили учида турган аллақандай ширин, лаззатли бир гапни тезроқ эшитгим келади.

-- Тахмина... -дейди у ниҳоят ва яна жимиб қолади.

-- Нима дейсан?..

-- Биз энди... Менга тегасанми?

Мен унинг ёниб турган кўзларига меҳр билан, эҳтирос билан боқаман. Аста қўлимни олиб бориб унинг юзларини, жингалак сочларини силаб-сийпалайман.

-- Тегмасамчи? Шундоқ ўртоқ бўлибми, ака-сингил бўлиб қолаверсакчи?

-- Йўқ, мен сени... яхши кўриб қолганман, - Акмал энди мен томонга яқинроқ сурилиб, бир қўлини белим устига ташлайди. Мен индамайман. Унинг бу иши менга хуш ёқади.

-- Мен ҳам... Мен ҳам сени яхши кўриб қолганман. Лекин...

-- Нима лекин?

-- Мени... сендан олдин... биттаси алдаб кетган...

Ўша куни кечқурун Акмал икковимизни Ато ичкари киритиб юборди.

Ўша куни мен учун Акмал билан бирга ўтказилган биринчи ва охирги кеча бўлди. Умрим давомидаги энг қисқа, бироқ энг лаззатли, юрагимда аллақандай ширин бир орзу, ширин бир умид илк марта куртак пайдо қилган биринчи ва охирги висол кечаси бўлди у...

Эртасига тонг ғира-ширасида аллақандай шовқин-сурондан чўчиб уйғондик. Юрагим ваҳим тортиб кетди, наҳотки бизни қидириб келишган бўлса?!

Апил-тапил кийиндик. Акмал ташқарига ўқдай отилди, мен уни тутиб қолишга улгурмадим. Орқасидан ташланганимча ярим очиқ қолган эшик олдидагина тўхташга мажбур бўлдим. Рўпарада... эгнида яктаги дабдала бўлиб, қонга бўялган Ато зўр бериб тўрт нафар ўзига ўхшаган барваста йигит билан солишяпти. Қўлида ўзи ётган ёғоч сўрининг суянчиқ тахтаси...

Солиқ Қаҳҳор

Дайди қизнинг дафтари

(Қиссадан парча)

Бегоналардан ҳам иккитаси қонга беланган. Тўрттовиниям қўлида каратэчилик таёқчаси. Гоҳ эпчиллик қилиб, қўлидаги тахта билан уларни Ато туширяпти...

Ўртада беихтиёр пайдо бўлиб қолган Акмалга кўзи тушиб, Ато қичқирди:

-- Қоч! Қоч дейман! Қочинглар!

Бироқ Акмал унинг буйруғига эътибор бермади. Учиб бориб сўридан тўрт-беш қадам нарида, ерда ётган милтиқни қўлига олди, бироқ уни ишга солишга улгурмади. Ортидан ташланган бир довонгир уни занжирли қўш таёқча билан аёвсиз савалай бошлади. Акмалнинг қўлидан милтиқ учиб кетган, у энди қонталаш юз-кўзларини ёмғирдай савалаётган калтакдан ҳимоя қилишга ўтади.

Энди Ато ўзини ҳам ўйламай, унга ёрдамга ташланди.

Ортиқ чидолмадим. Дод солиб, зўравонлар устига мен ҳам ташландим. Лекин қўлимдан нима иш ҳам келарди. Улардан бири келиб чаккамга зарб билан тарсаки тортиб юбордики, шундан кейинги бирон нимани эслолмайман.

Ҳушимга келиб кўзимни очсам, атрофи баланд девор билан ўралган данғиллама бир ҳовлига олиб келишган экан. Ичкарима-ичкари кириб келадиган хоналарнинг ҳаммасида қимматбаҳо жиҳозлар, лекин кўп нарсаларни чанг босиб турганлигидан, бу ерда ҳеч ким яшамаса керак, деган фикрга келдим. Ҳовли саҳни катта эмас, рўпарадаги қўш қанотли темир дарвозанинг тагида боғлоқли катта бир ит ётарди. Яқинлашай десам, бош кўтариб ириллаб кўяди.

Айвонга стол тузаб қўйилибди. Мева-чева, ичимликлар. Ўртада лаган тўла бедана кабобни кўриб, кўз олдимга Ато, ундан кейин шўрлик Акмал келди. Йиғлаб юбордим. Нималар қилиб қўйдим? Менинг гуноҳим нима?

Ёнбошдаги диван устига ўзимни ташлаб, тўлиқиб-тўлиқиб йиғлаганча ухлаб қолибман. Бир вақт кимдир мени туртди.

Кўзимни очсам, тепамда Истам турибди.

-- Тўйиб ухлаб олдингми, Тахмина?

Ўрнимдан беҳол турдим-да, иккала қўлим билан юз-кўзларимни тўсиб олганча ўтирволиб, яна йиғига тушдим.

-- Ие, нега йиғлаяпсан тентак? Мен ахир сени нотўғри йўлдан қайтардим холос...

-- Керак эмас. Мен бу ерда яшамайман.

Истам бир дам жим қолди-да, кейин ёнимга ўлтирди.

-- Жиннилик қилма. Мен сенинг бахтингни ўйлаяпман холос,- деди у ва бир қўли билан сочларимни силамоқчи бўлувдики, мен уни силтаб юбордим.

-- Мени тинч қўйинг. Мен ўша йигит билан бахтлиман.

-- Йўқ. Сен у гадойвачча билан хорзор бўласан. Сенинг бахтинг мана шу уйда, бахт калитинг менинг чўнтагимда...

Мен унинг кўзларига нафрат билан боқдим.

-- Сиз ҳали менга уйланмоқчимисиз?

-- Хўш, уйлансам нима қипти?

-- Мен ахир...

-- Сен ўша қари тулки Донининг хотини эдинг, шуни айтмоқчимисан?

Мен Истамга бошқа ҳеч нима деёлмадим, яна хўрлигим тутиб йиғлаб юбордим.

Истам мени шунчалар таҳқирлаб, шунчалар устимдан мазах қилиб кулдики, у аламлар жароҳати бир умрга битмаса керак.

Мени етти-саккиз кунлардан кейин бир аҳволда уйимга келтириб ташлашди. Яхшиям Сурайёнинг борлиги, бўлмаса ўлиб кетишим аниқ эди. Икки ҳафтагача ўзимга келолмай ётдим. Қўлимда бир чақа пул йўқ, ҳол сўраб ит ҳам ўрмаламайди. Уйимиздан қоқиштириб кетган нарсаларим Атоникида қолиб кетаверди. Униям, мелиса келиб олиб кетибди, қамаб қўйишибди. Дониклар гуруҳида аллақандай ишлар билан шуғулланган экан.

Акмал бир марта келиб кўриб кетди. Туркияга ўқишга кетяпман, деди. Мендан узр сўради, нима учунлигини билолмадим, йиғлаганча қолавердим.

Ўшандан кейин, ягона Акмал мен билан хайрлашгандан кейин, кўнглимнинг бир бурчагида ҳануз сақланиб қолган бир чимдим умид куртагиям сўлди. Мен энди ҳеч нарсага, ҳеч кимга, айниқса эркак зотига мутлақо ишонмай қолдим. Эркаклар, шундан сўнг, мен учун у яхшими-ёмонми, ёшмиқарими, ҳунукми-чиройлими, бунинг аҳамияти йўқолди. Уларнинг ҳаммаси бир ғўр, мен энди улар устидан кулиб, мазах қилиб, эшакдек ишлатиб миниб, улардан керагича яшашим керак, деган қарорга келдим.

Биринчи китоб тугади.

1 2

ҚИЗНИНГ ЮРАГИ... ИККИТА

Олотнинг "Денов" жамоа хўжалигида кутилмаганда янгилик пайдо бўлди. Эмишки, "Кўк-кўз I" қишлоғида яшайдиган бир қизда иккита юрак ...

-- Биз умуман қизимизнинг иккита юраги бор деб тасаввур ҳам қилмагандик. Қизимиз соғлом, туғилгандан буён бирон бир касалга чалинганини эслолмайман. Ҳар доим нимадандир хурсанд кулиб юради. Умуман хафа бўлганини эслолмайман. Бир куни қаттиқ шамоллаб, бетоб бўлиб қолди. Докторга олиб борсак ўпкаси шамоллаган дейишди. Аппаратга туширди.Уни кузатиб турган доктор бирдан ҳайратланиб, бизга қараб қолди.

Унинг гапига қараганда, қизимизнинг юраги иккита экан. Аввал ишонмадим, икки-уч маротаба текширишди. Қаерга кўрсатмайлик, қизимизнинг юраги иккиталигини айтишди. Зуҳранинг юраги иккита бўлса, иккита юраги унга зарар етказмасмикан, деган шубҳаларим ўринсиз эканлигини айтишди. Шундан сўнг кўнглим бироз хотиржам бўлди. Ҳозир қизимнинг ёши 13 да, 5-ўрта мактабнинг 6-синфида ўқийди. Ўқиши яхши, бир ёмон томони бошқа болаларга нисбатан икки баробар шўхлиқ қилади, - дейди гаройиб қизалоқнинг онаси Малика Сулаймонова.

Тўғриси, аёлнинг бу гапларини ўз қулоғим билан эшитсам ҳам барибир шубҳаландим. Аёл айтган таниш жарроҳ Бахтиёр Қиличов олдига бордим ва қиз тўғрисида суҳбатлашдим.

Докторнинг айтишига қараганда, бундан 4 ой бурун 50 яшар бир оддий тракторчи қутириш касаллиги билан докторга мурожаат қилибди. Текширишлар натижасида у кишининг ҳам юраги иккита эканлигини аниқлашибди. Унинг битта юраги аллақачон ишдан чиққан, иккинчи юраги ишлаётган экан.

Комилжон ҲАСАНОВ,
ТошДУ I курс толиби

ЮЛДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

(18 январдан — 24 январгача)

ҲАМАЛ. Сешанба куни молиявий ишлар бароридан келади. Чоршанбада омад сиз томонда. Пайшанба яхши кун. Жумада муҳим ишларга қўл урманг. Шанба ижод учун қулай. Якшанбадан кўнгироқ кутинг.

САВР. Душанба хайрли кун. Сешанбада хафа бўлиб қолишингиз мумкин. Чоршанбада ҳамкорлар билан учрашасиз. Пайшанба зиддиятли кун. Жумада ҳамёнингиз тўлади. Шанбада ишларингиз олдига силжимасада, якшанбада қувонасиз.

ЖАВЗО. Душанба куни хушхабар эшитасиз. Сешанбада кунингиз туғади. Чоршанба ва якшанбадаги хариддан кўнглингиз тўлади. Пайшанбада ижод қилинг. Жума куни ишлар қийин кечади. Ошиқлар учрашуви шанбада.

САРАТОН. Душанба ва якшанбада сизни қўнгироқ қилиб йўқлашади. Сешанба музокаралар куни. Чоршанбада кўнглингиз чўкмасин. Пайшанба ва жумада омад сиз томонда. Шанба куни бозорингиз бароридан келади.

АСАД. Ҳафта бошида ишлар юришмасада, сешанбада ҳамма нарса ўз ўрнида. Чоршанба куни молиявий аҳволингиз яхшиланади. Пайшанбада соғлиғингизни ўйланг. Жумада -- янгилик. Шанба куни ижод қилинг. Якшанбада яхши дам, сизга ҳамдам.

СУНБУЛА. Душанба уйингизга хушхабар олиб киради. Сешанба маош оладиган кунингиз. Чоршанбада яхши харид қиласиз. Пайшанба ва якшанба кунлари қувончли дақиқаларни ҳадя этади. Жума куни эски хасталиклар безовта қилиши мумкин. Шанба куни асабни асранг.

МЕЗОН. Ҳафта бошида янгиликдан хабардор бўласиз. Сешанбада қувонасиз. Чоршанба куни сирли учрашув. Пайшанбада асабийлашманг. Жума ва шанбада муҳим ишларга қўл урмаганингиз маъқул. Якшанбада яхши дам олинг.

АҚРАБ. Душанба ва чоршанбада дўстлар билан дийдорлашасиз. Сешанбада ишларингиз ўнгидан келади. Пайшанба зиддиятли кун. Жумада соғлиқ, кайфиятингиз яхши эмас. Шанба ва якшанбада кўнгилли дам олиш имконига эгасиз.

ҚАВС. Душанба ва чоршанба сизга унутилмас онлар ҳадя этади. Сешанбада қувонасиз. Пайшанба куни молиявий муаммолар ҳал бўлади. Шанбада ҳамкорликдаги ишингиз ечимини топади. Якшанбада харид қилинг.

ЖАДЪЙ. Ҳафта зиддиятли бошланади. Сешанбада соғлиғингизни ўйланг. Чоршанба куни яқинларингиз билан хафалашиб қолишингиз мумкин. Пайшанбада алданиб қолманг. Жумада қаттиқ қувонасиз. Шанба куни сирли учрашув

ДАЛВ. Душанбада молиявий ишларингиз юришади. Сешанба ва пайшанба кунлари ўзингизни авайланг. Жумада хурсанд бўласиз. Шанба куни яқин одамингизни кутинг. Якшанбада яхши харид қиласиз.

ҲУТ. Бу ҳафта Ҳутлар учун кутилгандек келади. Чоршанбада сирли учрашув. Сешанба ва пайшанба кунлари омад сиз томонда. Жумада алданиб қолмасангиз бўлгани. Шанба куни молиявий ишлар яхшиланади. Якшанбада яхши харид.

БИРДАНИГА... АРАБЧА СЎЗЛАДИ

Польшанинг Гданск шаҳрида яшайдиган ўн бир ёшли ўқувчи қиз Фелиция Возняк бир зумда машҳур бўлиб кетди.

Математика дарсида у полякча ўрнига ҳеч ким тушунмайдиган тилда гапира бошлади. Қизча фақат аҳён-аҳёнда, қийналиб бўлса-да ўз она тилида сўзларди. Мутахассислар қиз XVII асрда Жазоирда амалда бўлган араб тили шевасида гапираётганини аниқлашди. У қандай қилиб бу тилни ўрганди?

Шаҳар архивидаги изланишлардан сўнг бунинг сабаби аниқланди. Фелициянинг бобокалонларидан бири денгизчи бўлган экан. Кунларнинг бирида у Ўрта Ер денгизида жазоирлик қароқчиларга асир тушади. Тўққиз йил асирликда юрганида араб тилини ўрганган. Худонинг қудратини қарангки, орадан уч юз йил ўтгач, ирсият орқали унинг билими эварасида акс-садо берибди.

ШРЁДЕР ХОДИМИДАН ҚАРЗДОР

Германиянинг собиқ канцлери Гельмут Коль ҳеч қачон ходимлари ошхонасида овқатланмаган. Аммо ҳукуматнинг ҳозирги бошлиғи Герхард Шрёдер бошқача йўл тутди.

Янги канцлер дастлабки кунданоқ ўзи мансуб бўлган социал-демократлар партиясининг халққа яқинлигини билдириш мақсадида бўлса керак, тушлик учун оддий хизматчилар ошхонасига кирибди. Ходимлари билан бирга умумий навбатда туриб, кўнгли тусаган таомларни саралабди. Европадаги энг бой давлат раҳбари таомларга пул тўлай деса, 25 пфенни етмай қолибди.

Албатта, унинг чўнтагида 100 маркалик пули бор экан. Аммо барча немислар қатори у ҳам майдаланган пул тезда сарфланиб кетади, деган фикрда уни ишлатгиси келмабди. Яхшики, чаққон ходимларидан бири унга чорак марка қарз берибди.

200 ФАРЗАНДЛИ ОТА

Владивосток шаҳри ҳокими Виктор Черенков ноёб ҳислатлари билан тарихда қоладиган бўлди. У икки йиллик мажбурий армия хизмати даврида ноёб ҳодиса-офицерлик унвонига сазовор бўлган. Талабаликда бир вақтнинг ўзида иккита факультетда ўқиб, бир йилда 2-3 курсни битирган. Логарифмлар жадвалини ёд билади. Китобни кўзидан кўра тили тез ўқиш ҳадисини олган. Бир кеча кундузда фақат 4 соат ухласа ҳам, доимо бардам ва қувноқ.

Нафақат бу, балки Виктор Черенков тиббиёт ва экстрасенслик билан ҳам шуғулланади. Шифокорлар бепушт деб ҳисоблаган икки юздан зиёд аёллар у ўтказган экстрасенс муолажаларидан сўнг фарзандли бўлган. Қувончи ичига сиғмаган оналарнинг ҳаммаси болаларига унинг сабабкорлари - Виктор исмини қўйишган.

"ОТЧОПАР"ДА ЙЎҚОЛГАН УЛОВ...

Тошкент шаҳар "Отчопар" ҳудудида жойлашган пуллик автоуловлар тўхташ жойидан "Газ-24" русумли 10F 64-60 давлат белгили, шаҳарнинг Генерал Узоқов кўчасида яшовчи С.Маҳмудовга тегишли бўлган машина ўғирлаб кетилган эди. Ички хизмат ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида ушбу жиноятни 1980 йилда туғилган зангиоталик Ж.А. содир этганлиги аниқланди.

БАРБОД БЎЛГАН "ИШ"

Тошкент вилояти. Чирчиқ шаҳри, 10-даҳасида яшовчи, 1977 йилда туғилган, муқаддам судланган, Х.Ж. ва унинг оғайниси 1974 йилда туғилган Ф.Р. лар ўзаро тил бириктириб, А.Қаҳҳор кўчаси, 52-уйда яшовчи Б.Мералиевага тегишли бўлган "Ватан" кичик хусусий дўконидан 205530 сўмлик маҳсулотларни олиб чиқаётган вақтида милиция ходимлари томонидан ушланди.

173 ДОНА ЎҚ...

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида шу туманда истиқомат қилувчи хусусий фирма директори Н. Речконинг уйидан 173 дона ҳар хил колибрдаги ўқлар, "Наган" русумли тўппончанинг эҳтиёт қисмлари топилди. Хоним бу "аслаҳа"ларни нима сабабдан асраётгани ҳақидаги сўровларга жавоб беролмасдан "мулзам" бўлиб турибди...

Ички Ишлар вазирлиги ҳаёвр қилади

САЙЁҲАТИ ҚАРИГАН "ОПЕЛЬ"

Бўка тумани "Бўстонлиқ" жамоа хўжалигидаги ДАН масканида Т.Э. бошқарувидаги "Опель" русумли автоулов тўхтатилди. Тинтув жараёнида машинанинг ўриндиғи остидан "қорадори" топилди. "Опель" сайёҳатига шу жойда чек қўйилди ва мазкур иш юзасидан жиноий иш қўзғатилди.

Низом НОРҚОБИЛ
ёзиб олди

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ

*** Шифохонада энг кўп ётган инсон Марта Нельсон хонимдир. У 1875 йилда Американинг Огайо штатидаги руҳий хасталиклар шифохонасига тушиб, 100 йилдан сўнг, 103 йилу 6 ой умр кўргач, 1975 йил январида яна ўша ақли заифлар касалхонасида вафот этган.**

* Энг кўп хапдори ичган зимбабвелик К.А.Килнер бўлиб, у 1967 йил 9 июндан 1988 йил 19 июнигача 565939 дона дори ютган. У рак хасталигига чалинган экан-да.

*** Энг кўп ўзига укол қилган — қанд касаллигидан азоб чекаётган Филлис Лош ҳисобланади. У сўнгги 69 йил давомида ўзига 65 минг марта инсулиндан игна санчган.**

* Энг узоқ вақт давом этган жарроҳлик Гертруда Левандовскига қилинган. Шифокорлар унинг саломатлигини тиклаш учун 1951 йил 4 ва 8 февраль кунлари 96 соат давомида иш олиб боришган.

*** Энг кўп жарроҳлик қилган кўз шифокори М.К.Моди ҳисобланади. У 1943 йилдан буён ўз ёрдамчилари билан бир кунда ўртача 833 тагача кўзга тиг теккизган. 1989 йилгача ҳиндистонлик бу шифокор 45416 та қишлоқда бўлиб, жами 595019 марта жарроҳлик ишларини бажарган.**

* Энг кўп суяк жарроҳликлари украиналик Николай Касьян томонидан бажарилган. У 1990 йил мобайнида 41251 хастанинг умуртқасини даволаган. Уларнинг 21892 нафари катталар ва 19359 нафари болалар эди.

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир: Назокат УСМОНОВА

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 136-56-58
133-95-97
Факс — 133-89-61
Хатлар бўлими — 136-54-64
133-79-69

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. — 011
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

Ҳажми — 2 табоқ
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3
Босишга топшириш вақти-21.00

1 2 3 4 5 6
Топширилди-21.00